

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойдан чиқа бошлаган • www.uzssgtz.uz, uzss@inbox.ru • 2011 йил, 21 октябрь • № 41 (854)

ТИЛГА ЭЪЗОЗ – ЮРТ ИСТИҚБОЛИ ВА КЕЛАЖАК ФАРОВОНЛИГИДИР

Тил – бу миллат қиёфаси, юртларнинг ўзаро тотувлик риштаси, шунингдек, келажакнинг узоқ манзилли карвонидир. Дарҳақиқат, она тилимизнинг ҳаётимиз замирида қайта кўз очиши тарих саҳифаларида унутилмас из қолдириб, миллий ўзликни англаш, бевосита миллий тилимизнинг асл қиёфасини яратишга, ота-боболаримизнинг азалий орзуларига эришиш ва мустақиллигимизни асрашга бўлган даъватни мудом эслатиб келмоқда.

1989 йил 21 октябрь. Бу тарихий сана неча-неча юртдошларимизнинг қувончли кўзёши ва бахтли онларига са-



баб бўлди. Таъкидлаш муҳимки, ҳеч бир эл йўқки, у ўзининг миллий тили ва эътиқодига эга бўлмаса. Ўзбек халқи ҳам ана шундай асрлар оша курашиб келган мақсадли орзуларга ўша дақиқалардаёқ эришди. Бугун бу қутлуғ санага 22 йил тўлди. Вақтни қарангки, бир зумда она тилимиз тараққий этиб, эркин мулоқот ва мустақиллигимизнинг буюк нашидасига айланди.

Шундай экан, ўзбек тили узоқ тарихга эга бўлиб, юртимизда тилларни тадқиқ этиш ишлари ҳам анча илгариги даврларга бориб тақалади. Зеро, Навоий бобомиз ўз тадқиқотларидан шундай хулосага келади: “Тилимиз ўн саккиз минг оламдан бойроқ бўлган шундай хазинаки, ҳар бир дуру гавҳари ёритқичлардан ҳам порлоқроқ, шундай бир гулзорки, ҳар бир гули чаман лолаларидан гўзалроқ”. Дарҳақиқат, бундай соф ва гўзал тилимиз борлигига ҳар қанча фахрлансак арзийди. Шундай экан, тилимизни бор кўркамлиги билан ўрганиш, унинг мавжуд имкониятларидан унумли фойдалана олиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Она тилимиз энди шиддат билан дунё бўйлаб ўз нуфузига эга бўлиб, халқимизнинг фахр ва ифтихорига айланмоқда. Сўз эркинлиги, мустақил фикр ва фаровон ҳаёт айнан миллий тилимизнинг муҳим пойдевори асосида доим кадрланади. Нафақат 21 октябрь тилимизга эътибор, балки бу ҳурмат ва муносабат доимий бизнинг бош мақсадларимиздан бирига айланиб қолиши зарурдир.

Анжуман



ФАРМАЦИЯДА ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИНТЕГРАЦИЯСИ

Жорий йилнинг 19-20 октябрь кунлари Тошкент фармацевтика институтида «Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияси» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда соҳа мутахассислари, олимлар, профессор-ўқитувчилар, шунингдек, хорижий давлат вакиллари ҳам иштирок этишди.

Анжумани Тошкент фармацевтика институти ректори, профессор А. Юнусхўжаев кириш сўзи билан очиб, фармацевтика соҳасида олиб борилаётган фаолиятлар хусусида тўхталиб, мазкур анжуманда кўриладиган асосий масалалар келгусидаги ишларга катта замин яратиши тўғрисида ўз фикрларини билдириб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи, профессор Ш. Атаханов ушбу соҳада қўлга киритилаётган ютуқлар, амалга оширилиши муҳим бўлган вазифаларга атрофлича ургу берди.

Таъкидлаш муҳимки, Тошкент фармацевтика институти бугунги кунда Марказий Осиёда фармацевтик илм ва таълим бўйича йирик марказ бўлиб, республикада кадрлар тайёрлаш миллий дастури белгиланган вазифалар асосида фармацевтика амалиёти ва ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муаммоларни ҳал эта оладиган кадрлар тайёрлаш фаолиятини амалга ошириб келмоқда. Институтда мустақилликка бўлган даврда фақат битта фармация йўналиши бўйича кадрлар тайёрланган бўлса, бу-

гунги кунда 6 та бакалаврият йўналишлари ва 4 та магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 ноябрдаги 731-сонли Қарорига биноан «Фармацевтика корхоналарини 2011 йилгача модернизация қилиш, техника ва технологик қайта таъмирлаш» ҳақидаги дастурига асосан, фармацевтика корхоналарининг ишлаб чиқариш кувватидан самарали ва оқилона фойдаланиш, экспорт қилинувчи рақобатбардош фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шунингдек, аҳоли эҳтиёжини тўла қондирувчи маҳаллий хом ашёлар асосида тайёрланган дори воситалари ва тиббиёт маҳсулотлари билан

(Давоми 2-бетда).

Обуна – 2012



Хурматли муштарийлар!
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш –
Здравоохранение Узбекистана» газетасига
2012 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.
Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар! Республика
тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар,
фаолиятлар ҳамда янгилардан хабардор бўлишни
истасангиз сеvimли газетангизга
обуна бўлишни унутманг!

Нашр индекси: 128.

Анжуман

ФАРМАЦИЯДА ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ
ИНТЕГРАЦИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

таъминлаш мақсадида институтда ҳозирги кунда илмий изла-нишлар олиб борилмоқда.

Яна шуни таъкидлаш муҳимки, республикада илмий-тадқиқот ишларига катта эътибор берилиб, шу жумладан, ушбу институтда 11 та илмий-техникавий грант ва қатор хўжалик шартномалари асосида тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Шунингдек, институт қошида «Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази» ташкил этилган бўлиб, бу марказ дори воси-



талари яратувчи ҳамда ишлаб чиқарувчи корхоналарга амалий ёрдам бериб келмоқда. Ҳозирги кунда 15 га яқин кўшма ва маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари билан илмий иш натижаларини амалиётга жорий қилиш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилган. Институтда яратилган янги оригинал дори воситалари – Пирацион 0.25 фоизли ва Купир 0.15 фоизли инъекция эритмалари, Глипил ва Фитаткобальт таблеткалари, Феракс, мумиё асл, Гелдрекс капсулаларини sanoat миқёсида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўтказилган анжуман давомида еттита, яъни «Дори воситаларининг сифатини назорат қилиш, стандартлаш ва сертификатлаш», «Фан ва амалиётда миллий дори сиёсатининг асосий йўналишлари», «Саноат фармациясидаги долзарб муаммолар», «Фармацияда маркетинг ва менежмент», «Фармацевтик таълимнинг ютуқлари, муаммолари ва истиқболи», «Янги дори препаратларини яратиш», «Клиник фармакология» секциялари иш олиб борди. Барча секцияларда Россия, Украина, Ўзбекистон ва Қозғистон олимлари ўз илмий мақолалари билан қатнашдилар. Анжуман дастурида секцион маърузалар ҳамда фармациянинг долзарб муаммолари бўйича фикр алмашиш, мунозара ва музокаралар бўлиб ўтди. Кенг аудиторияда ўтказилган бундай анжуман соҳа мутахассисларининг билим ва тажрибасини ошириш ҳамда республика фармацияси янада ривожланишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Тадбир

Жорий йилнинг 14 октябрь куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази билан ҳамкорликда жаҳон ҳамжамиятини ташвишга

солаётган иқлим ўзгариш муаммолари, юртимизнинг мўътадил иқлим шароитини сақлаш борасидаги устувор вазифалар ҳамда бу борада олиб борилаётган чора-тадбирларга бағишланган «Иқлим ўзгариши: Ўзбекистон фаолиятида устувор вазифалар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР
ДОИРАСИДА

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда мутахассислари, олимлар, жамоатчилик ташкилотлари, олий ўқув юртли ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Наримон Умаров кириш сўзи билан очиб, давлатимиз томонидан иқлим ўзгариши, унинг инсон саломатлиги ва аҳолининг турмуш даражасига таъсири ҳамда ана шундай муаммоларнинг олдини олишга қаратилаётган амалдаги ишларга атрофлича тўхталди. Шунингдек, юртимизда сув ресурслари, қишлоқ хўжали-

ги, биохилмаҳиллик ва экотимиз иқлим ўзгаришларига таъсирчан бўлганлиги сабабли унинг салбий оқибатларининг олдини олиш учун иқлим ўзгариши муаммоларига мослашиш тадбирлари ҳам ўтказиб келинмоқда. Бу жараёнда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги «2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида»ги қарори дастурил-амал бўлаётганлиги барчамизга сир эмас. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида sanoat корхоналари техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиниб, ҳавога чиқади-ган зарарли газларни камайтиришга эришилаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Шунингдек, анжуман ишти-рокчилари Ўзбекистонда иқлим ўзгариши шароитларида жамоатчиликни кенг хабардор қилиш, кадрлар тайёрлаш, тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш каби масалалар муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Ушбу йўналишда ҳам маълум фаолият олиб борилмоқда. Шу билан бирга анжуманда умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлиларида таълим олувчилар учун «Иқлим ва биз» ўқув қўлланмаси иккинчи нашрининг тақдими бўлиб ўтди.

Баҳс ва мунозарага бой бўлган ушбу анжуман давомида иштирокчилар мутахассисларга саволлар билан муурожаат этишиб, муҳим маълумотларга эга бўлдилар.

Акция

БОЛАЖОНЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИНИ КЎЗЛАБ

2011 йилнинг 15 октябрь куни пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Саломатлигинг – тоза кўлларингизда» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари, Республика хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Германиянинг халқаро ҳамкорлик жамияти томонидан ташкил этилди.

Ушбу тадбирда мактабгача ёшдаги болалар ва уларнинг ота-оналари, педагоглар, шифокорлар ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди. Тадбирда сўз олганлар юртимизда фарзандларимиз саломатлигига қаратилаётган эътибор ва улар соғлиғи учун яратилаётган шарт-шароитлар тўғри-

сида тўхталиб ўтдилар. Ушбу акциянинг ўтказилишидан асосий мақсад, болаларни турли мавсумий юкумли касалликлардан, шунингдек, озодлик ва шахсий гигиена талабларига риоя этган ҳолда соғлиқларига эътибор беришдан иборатдир. Акция давомида болажонлар кўшиқ ва рақс-

лар ижро этиш билан бирга, қизиқарли викторина, ерга расм чизиш ҳамда кўрик-танловларда иштирок этдилар. Бундан ташқари, китоблар тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова қатнашди.

Бундай эзгу ниятли ишлар эртамик келажаги бўлган фарзандларимизнинг камолоти йўлида қилинаётган муҳим вазифаларнинг асосий дебочасидир.

Меҳнати таҳсинга лойиқ

ҲАЛОЛЛИК МАРТАБАНИ БЕЗАЙДИ

Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар ўзларининг камтарлиги, самимийлиги, хушмуомалалиги ва фаолиятдаги фидойи меҳнати ҳамда ҳалоллиги билан одамлар орасида ўз хурмат ва эътиборга эга бўлади. Ана шундай меҳнатсевар, қолаверса тиниб-тинчимас, ҳеч кимдан ёрдамини аямайдиган инсонлардан бири Иван Иванович Железнякдир.

Иван Иванович мана 32 йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида маъ-



мурий хўжалик бошқармаси бошлиғи лавозимида астойдил меҳнат қилиб келмоқда. У ўзининг ташкилотчилиги, талабчанлиги ва ташаббускорлиги билан жамоада самарали ишларни амалга ошириш билан бир қаторда, турли тадбирларнинг чиройли ва қизиқарли ўтишида фаол иштирок этади. Шунингдек, қалби пок, куюнчак инсон Иван Иванович кўп йиллардан буён Соғлиқни сақлаш вазирлиги Марказий аппаратида касаба уюшма раиси сифатида фаолият олиб бормоқда. Ушбу фаолияти давомида ходимлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига катта эътибор билан қарайди.

Асли касби педагог бўлган Иван Иванович юқоридаги фаолиятлари баробарида В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган музыка академик лицейида талабаларга тарих фанидан сабоқ бериб келмоқда. Ёшларнинг ҳар томонлама маънавий-маърифий билимини, интеллектуал салоҳиятини оширишда ўз ҳиссасини қўшаётган устознинг бир қанча шогирдлари бугунги кунда муносиб эътирофларга сазовор бўлишмоқда.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида Иван Иванович Железняк тиббиёт тизимидаги изчил фаолияти учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланди.



Жамиятимиз тараққиёти йўлида чин дилдан хизмат қилиб келаётган устозимиз ўзининг 70 йиллик юбилейини қарши олар экан, шу муносабат билан Иван Иванович Железнякни қутлуг таваллуд куни билан самий қутлаб, у кишига узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ва ишларида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

1-2-саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади.
Муаллиф олган суратлар.

Жорий йилнинг 27-28 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида «Гематология ва трансфузиологиянинг долзарб муаммолари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтади

Советы специалиста

ПРОФИЛАКТИКА ОСНОВНЫХ ФАКТОРОВ РИСКА – ОСНОВА СНИЖЕНИЯ СМЕРТНОСТИ ОТ СЕРДЕЧНО–СОСУДИСТЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ

Смертность от сердечно-сосудистых заболеваний продолжает оставаться ведущей составляющей в общей структуре смертности (до 59%), при этом до 91% смертности обусловлено ишемической болезнью сердца и артериальной гипертензией и их осложнениями в виде острого инфаркта миокарда (ОИМ), сердечной недостаточности (СН). Ежегодно в мире от ССЗ умирает около 17 млн. человек.

Развитие ССЗ является не только трагедией для каждого человека, но и приводит к огромному социально-экономическому ущербу за счет значительных расходов на лечение и реабилитацию больных.

В США, Канаде, Германии, Бельгии, Франции, Финляндии и некоторых других странах смертность от ССЗ, в т.ч. от ИБС, имеет тенденцию к снижению. В странах Восточной Европы, России и СНГ определяется рост этих показателей. По данным Государственного комитета России по статистике за 1998-2002гг. смертность от ССЗ увеличилась на 21,9%, смертность от ИБС – на 23,1%.

В России в структуре смертности ССЗ составляют 55,4%. Смертность от ССЗ на 90% определяется ИБС и ИМ, лишь 10% – остальными видами патологии сердечно-сосудистой системы.

В Узбекистане в последние два десятилетия отмечается рост заболеваемости и смертности от сердечно-сосудистой патологии, и структура смертности не отличается от мировой: наиболее значимой причиной смерти также являются болезни системы кровообращения (БСК) (59,3%).

Заболевания сердечно-сосудистой системы являются одной из важнейших проблем здравоохранения республики. Анализ причин смертности показал, что смертность от сердечно-сосудистых заболеваний остается преобладающей в структуре общей смертности, составляя в 2005 г. – 79120 человек (56%), в 2006 г. – 80843 (57,9%), в 2007 г. – 80320 (58,4%), в 2008 г. – 82036 (59,1%), в 2009 г. – 79239 человек (59,3%); а основными причинами, обуславливающими смертность от сердечно-сосудистых заболеваний, являются ишемическая болезнь сердца (ИБС), артериальная гипертензия (АГ) и цереброваскулярные заболевания (ЦВЗ), на долю которых приходится не менее 90% всех случаев смерти от ССЗ. Смертность в трудоспособном возрасте значительно выше среди мужчин, а среди лиц пожилого и старческого возраста она практически одинакова, независимо от пола.

С целью повышения осознания в обществе опасности, вызванной эпидемией сердечно-сосудистых заболеваний в мире, также для инициации всеобъемлющих профилактических мер в отношении ишемической болезни и мозгового инсульта во всех группах населения, введена новая дата – Всемирный день сердца, отмечаемый ежегодно в последнее воскресенье сентября, который впервые был организован в 1999 году по инициативе Всемирной федерации сердца. Эту акцию поддержали Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ), ЮНЕСКО и другие значимые организации.

В партнерстве с ВОЗ Всемирная федерация сердца организует мероприятия более чем в 100 странах, включая проверки здоровья, организованные прогулки, забеги и занятия фитнесом, публичные лекции, спектакли, научные форумы, выставки, концерты, фестивали и спортивные состязания.

Всемирный день сердца проводит ежегодно с целью донести до населения всего мира информацию о том:

1. Что артериальная гипертензия, ишемическая болезнь сердца (в том числе инфаркт миокарда) и инсульт являются ведущей причиной смерти населения во всем мире;

2. Что можно избежать по меньшей мере 80% преждевременных смертей от этих заболеваний, если контролировать такие основные факторы риска, как курение, неправильное питание и малопод-

вижный образ жизни.

Миссия Всемирной федерации сердца – помочь людям во все мире продлить и улучшить свою жизнь, предупредить развитие артериальной гипертензии, ишемической болезни сердца и инсульта, либо активно контролировать течение этих заболеваний. В нее входят члены 195 кардиологических ассоциаций и фондов из более чем 100 стран. В 2011 году девиз «Всемирного дня сердца» – «Сердце для жизни».

В Республиканском специализированном центре кардиологии (РСЦК) в этот день ежегодно проводится благотворительная акция «День открытых дверей». В 2011 году «Всемирный день сердца» состоялся 30 сентября под девизом: «Борьба с основными факторами риска (ФР) сердечно-сосудистых заболеваний, таких как повышенное артериальное давление, повышенный уровень холестерина в крови, избыточный вес, курение, малоподвижный образ жизни». В этой акции участвовало около 200 пациентов. Указанные ФР приводят к таким грозным заболеваниям, как ишемическая болезнь сердца (инфаркты), цереброваскулярная болезнь (инсульт), повышенное кровяное давление (гипертония), болезнь периферических артерий, ревматический порок сердца, и сердечная недостаточность. К факторам риска ИБС, изменить которые невозможно, относят пол, возраст и наследственность. Из факторов риска, которые можно изменить, наибольшее значение имеют курение сигарет, гиперхолестеринемия и артериальная гипертензия и др.

В настоящее время известно более 200 различных ФР, оказывающих влияние на развитие ИБС. Однако лишь в отношении 50-60 установлена их реальная связь с развитием патологии. Для практики же имеет значение существенно меньшее количество ФР. По мнению Комитета экспертов ВОЗ, наиболее важные из них:

- дислипидемия (повышенный уровень холестерина и особенно ХС ЛПНП, низкий уровень ХС ЛПВП, повышенный уровень триглицеридов);
- АГ;
- курение;
- гипергликемия;
- сахарный диабет;
- ожирение;
- низкая физическая активность;
- наследственная предрасположенность;
- патология системы свертывания крови;
- психосоциальные факторы.

Доказано, что наличие только одного ФР (АГ, гиперхолестеринемия или курение) увеличивает вероятность смертельного исхода в течение ближайших 10 лет у мужчин в возрасте 50-59 лет на 51%, сочетание АГ с курением или гиперхолестеринемией повышает такой риск на 166%. Смертность от ИБС и острого нарушения мозгового кровообращения при сочетании всех трёх указанных факторов увеличивается более чем в 5 раз. После появления у человека признаков ССЗ, связанных с атеросклерозом, ФР продолжают действовать, способствуя прогрессированию заболевания и ухудшая прогноз.

Дислипидемия

Нарушения липидного обмена, главное проявление которых – повышение концентрации холестерина в крови (особенно холестерина ЛПНП), – основной фактор развития атеросклероза и ИБС. Результаты многочисленных эпидемиологических исследований отчетливо показали, что между уровнем холестерина и вероятностью развития ИБС, особенно ИМ, есть прямая зависимость. Убедительно доказано, что снижение уровня холестерина в крови значительно уменьшает вероятность развития новых случаев заболевания. Подсчитано, что уменьшение концентрации холестерина в крови всего в популяции на 1% ведёт к снижению риска развития ИБС в популяции на 2,5%.

Ожирение – одно из самых распространенных хронических заболеваний в мире. В настоящее время ожирение приобретает размеры пандемии.

Результаты эпидемиологических исследований выявили четкую связь между увеличением распространенности ожирения и ростом заболеваемости ССЗ. Вероятность развития этих тяжелых инвалидирующих

заболеваний возрастает по мере нарастания ИМТ и отложений жира в абдоминально-висцеральной области.

Следует отметить влияние табакокурения на показатели смертности. Ежегодно в мире более 5 млн. человек умирают от причин, связанных с курением. Имеется четкая связь между количеством выкуриваемых сигарет и частотой развития ССЗ. Особенно неблагоприятно действует курение на лиц, приобретших эту привычку в молодом возрасте, в то же время прогноз жизни из-за того, что отрицательное воздействие на организм начинается очень рано, а длительность его наибольшая, наименее благоприятный. По некоторым данным, если человек курит в 15 лет, то продолжительность его жизни уменьшается более чем на 8 лет, у начинающих курить в 25 лет и позже – на 4 года. Считается, что только в США курение обуславливает 325 тыс. случаев преждевременной смерти ежегодно.

Риск развития ИБС у курящих в 3,3 раза, а риск смерти от ССЗ в 2-2,5 раза выше, чем у некурящих. Имеется тесная взаимосвязь между риском развития ИБС с числом выкуриваемых сигарет в день. Для лиц, выкуривающих по половине пачки сигарет в день, величина риска составляет 1,6; более одной пачки – 2,40. Курение оказывает влияние на возникновение и развитие атеросклероза и ИБС разными путями: снижением уровня ХС ЛПВП, модификацией ЛПНП, которые приобретают более высокую атерогенность.

По некоторым данным, полный отказ от курения уменьшает заболеваемость ИБС в популяции на 30%.

Потребление алкоголя относится к числу важнейших факторов риска возникновения различных заболеваний. В настоящее время получены как общие оценки влияния злоупотреблением алкоголем на здоровье людей, так и оценки по отдельным видам заболеваний и причин смерти. По данным ВОЗ, показатели смертности среди алкоголиков в 2-4 раза выше, чем среди населения в целом. Если от сердечно-сосудистых заболеваний мужчины умирают чаще всего (в 75% случаев) в возрасте старше 60 лет, то мужчины, злоупотребляющие алкоголем, умирают от этой причины в основном в возрасте до 60 лет. Не вызывает сомнения факт, что злоупотребление резко повышает смертность вообще и от ИБС в частности. Алкоголь может способствовать развитию ИБС через другие факторы риска: повышение АД, массы тела, уровень триглицеридов в крови. Показано, что среди лиц, которые употребляли алкоголь регулярно, гиперлипидемия и инфаркт миокарда встречались чаще, чем среди не употребляющих или употребляющих алкоголь нерегулярно.

По данным Национального института сердца, легких и крови США, **инсулинозависимый сахарный диабет** пожилых увеличивает риск ИБС в 3 раза у мужчин, а у женщин – еще выше. Частота нарушений толерантности к углеводам среди больных ИБС, по результатам исследований разных авторов, колеблется в широких пределах – от 29 до 76%, и гипергликемия рассматривается как безусловный фактор риска.

Всемирная федерация сердца перечислила факторы, которые провоцируют развитие и ухудшение течения сердечно-сосудистых заболеваний:

Главным фактором риска для нормальной работы сердца становится неправильное питание. В течение многих лет человек нарушает правильный режим, качественные и количественные характеристики питания, в результате имеет избыточную массу тела и высокий риск развития инфарктов и инсультов. Нарушение питания в большинстве случаев характеризуется злоупотреблением излишне калорийной пищи, животных жиров и простых углеводов; дефицитом в рационе питания растительных масел, повышенным употреблением поваренной соли; сбоем в режиме питания.

В дополнение к неправильному питанию зачастую люди страдают от гиподинамии, что, усугубляя ожирение, усиливает риск возникновения сердечно-сосудистых заболеваний. В условиях гиподинамии, когда человек не

совершает необходимое организму количество движений, сосуды не могут работать правильно. Вследствие таких нарушений на стенке сосуда накапливаются холестериновые отложения и они становятся менее эластичными.

Для поддержания здоровья сердца необходимо

Воздержание от употребления табака: никотин приводит к резкому снижению количества кислорода в крови, что заставляет сердце компенсировать «кислородный голод» усиленной работой. Страдают и сосуды, в которых резко снижается тонус и пропускная способность. Пассивное курение также опасно. Риск развития инфаркта или инсульта начинается снижаться сразу же после прекращения употребления табачных изделий, а через год может снизиться на 50%. Не допускайте курения в доме. Отказавшись от курения, вы улучшите состояние своего здоровья и здоровья ваших близких. Установите правило: за каждую выкуриваемую сигарету курящий выполняет дополнительную работу по дому.

Правильный рацион питания: для поддержания здоровой сердечно-сосудистой системы огромное значение имеет сбалансированный рацион питания, включающий большое количество фруктов и овощей, блюда из цельного зерна, нежирное мясо, рыбу и бобовые с ограниченным потреблением соли, сахара и жира. Доказано, что обилие в нашем рационе жирной и соленой пищи не только вызывает ожирение, но и плохо влияет на эластичность сосудов, а это нарушает кровоток. Кроме того, существуют продукты, которые, оказывая на организм тонизирующее действие, могут влиять непосредственно на сердечно-сосудистую систему. К ним относятся крепкий чай, кофе, алкогольные напитки. Всем этим, особенно алкоголем, не стоит злоупотреблять. Придерживайтесь принципов здорового питания. Избегайте жирной, жареной и высококалорийной пищи.

Регулярная физическая активность и поддержание оптимальной массы тела: для поддержания здорового состояния сердечно-сосудистой системы необходима регулярная физическая активность, минимум в течение получаса ежедневно. Это – занятия спортом, длительные прогулки на свежем воздухе, плавание, туристические походы, то есть любая физическая деятельность, которая доставляет человеку удовольствие. Полезными будут и закаляющие процедуры: это могут быть контрастный душ, обливание холодной водой или длительные прогулки на свежем воздухе, и каждый может найти то, что ему по душе. Такие мероприятия укрепляют стенки сосудов и тем самым предупреждают многие серьезные заболевания. Отдых тоже должен быть полноценным. Нормальная продолжительность сна должна составлять 8-10 часов в сутки, причем лучше, когда есть возможность отдохнуть и в течение дня. Поощряйте физическую активность. Ограничьте время, которое вы и члены вашей семьи проводят у телевизора и за компьютером. Организуйте семейные прогулки, походы и игры на свежем воздухе.

Знание своих цифр – показатель здоровья, таких как: высокое кровяное давление в некоторых случаях не сопровождается какими-либо симптомами, но может привести к внезапному инсульту или инфаркту. Проверьте свое кровяное давление самостоятельно, или попросите родственников помочь вам, или посетите медицинское учреждение, например, Центр здоровья, где вам измерят артериальное давление, определят уровень глюкозы и холестерина в крови, рассчитают индекс массы тела. Зная ваш риск развития сердечно-сосудистых заболеваний, можно разработать конкретный план действий по улучшению здоровья сердца.

Р. КУРБАНОВ,
директор РСЦК, профессор.
О. УРИНОВ,
научный сотрудник РСЦК.

Кун мавзуси

СОҒЛОМ ҲАЁТ – КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Барчамизга маълумки, жорий йилнинг 5 октябрь куни Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Қонуни матбуотда эълон қилинди. Мазкур Қонун алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган 25 та моддadan иборатдир. Албатта биз бир неча йиллардан бундан ичкиликбозлик иллатига қарши бонг уриб, тарғибот ишларини кучайтириб келмоқдамиз. Лекин амалдаги ишлар билан бир қаторда, эътиборсизлик, лоқайдлик туфайли катталар, қолаверса, ёшлар орасида ичкиликка ружу қўйганларнинг орамизда борлиги барчамизни ташвишга солмоқда. Юқоридаги Қонуннинг ишлаб чиқилишидан ҳам асосий мақсад, келажак зурриётларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб етишишлари учун эзгулик йўлида қилинган муҳим ҳужжатлардан бири эканлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда аҳоли орасида ичкиликбозликка қарши тарғибот ишларини кучайтириб, унинг инсон саломатлиги учун жиддий зарари борлиги ва у туфайли кўплаб кўнгилсиз воқеалар юз бераётганлиги ачинарли ҳол эканлигини тушунтириб келмоқдамиз. Афсуски, айрим кимсалар бундан тўғри хулоса чиқармасдан алкоголь маҳсулотларига ружу қўйиб, ўз соғлиги ҳамда оила ва жамиятга зарар келтирмоқда. Лекин сўнги пайтларда маълум қоидаларга риоя қилинган ҳолда айрим савдо дўконларига алкоголь маҳсулотларининг меъёрида сотилиши белгиланган. Аммо уларнинг сифатига ким кафолат бера олади. Савол туғилади: ишлаб чиқарилаётган ушбу спиртли ичимликларни халқ истеъмолига яроқли ёки яроқсизлигини мутасадди раҳбарлар ўз назоратларига олганлар-ку! Хўш, сизу биз ўйланганчалик назорат ишлари кўнгилдагидек олиб борила-яптими? Шубҳасиз ҳа, дейишга тилимиз бормайди. Чунки,

ҳар қандай йўллар билан чиқарилаётган ичкиликларнинг инсонлар ҳаётига хавф солаётганлиги сир эмас. Яна шу ўринда айтиш жоизки, ичкиликка берилмаган инсон бўлсада, у қандайдир тадбирда алкоголь маҳсулотини истеъмол қилади. Афсуски бу унга қимматга тушиб, унда захарланиш юзага келиб, кўнгилсиз ҳолат рўй бериши табиий. Бундан хулоса шуки, ушбу алкоголь маҳсулоти «қалбакилаштирилган»лиги аниқ. Келинг яхшиси айрим ҳаётий мисолларга эътиборингизни қаратайлик.

Комил эндигина 33 ёшни қаршилаган эди. У вақти-вақти билан алкоголь маҳсулотини ичиб турарди. Бугун унинг рафиқаси Нафисанинг туғилган куни. Комил эрталаб уйқудан уйғонгач, кечкурунги тадбирга бозор-ўчар қилгани кетди. Ниҳоят бозорни айланиб, дастурхонга тортиладиган нозу неъматларни харид қилди. Охирида тадбирлар учун "мода" бўлган, ҳар кимнинг соғлиги дея кўтариладиган захри қотилнинг олдидан ўтиб кета олмади. Ўйла-ниб турди. Қараса савдо дўко-

ни пештахтасида арзон нархдаги ароқлар сотилаяпти. Уни керагидан ортиқча харид қилди.

Туғилган кунга меҳмонлар кела бошлади. Ўтириш авжида қадаҳларнинг бир-бирига урилиши гўёки улар учун даврага файз киритаётгандек эди. Кимлардир меъёрида, кимлардир кайфнинг таъсирида ароқнинг кучини сезмаётгандек, яна ва яна қадаҳларни баралла кўтариб, покиза тилакларга уйғун ҳолда тинмай ичардилар. Хуллас, тадбир тугаб, ҳамма уй-уйга қайтди. Секингина ўрнига ётган Комилнинг юраги безовта бўла бошлади. Бундан сезган Нафиса дарҳол тез ёрдамга кўнғироқ қилди. Тез ёрдам келгунча Комилнинг борган сайин аҳволи оғирлашди. Бу ҳолатни кўрган Нафиса, оила аъзолари, фарзандлари бир зумда саросимага тушиб қолишди. Афсуски, захри қотил ўз ишини аллақачон бажариб бўлган эди. Комил эса юрагини чангаллаганича ҳаёт билан видолашарди. Кечикиб келган тез ёрдам ҳеч қандай ёрдам кўрсата олмади. Кимларнингдир томонидан тайёрланган захри қотил тинч-тотув оилага раҳна солди. Нафиса эса икки гўдагини бағрига босиб, суянган тоғидан ажралиб қолди.

Бахтиёр савдо тизимида фаолият юритар эди. У эрталабдан туриб, улгуржи бозордан савдо дўкончасига мева-сабзавот маҳсулотларини олиб келарди. Кун сайин унинг савдо тизимидаги ишлари бароридан кела бошлади. Иқтисодий муваффақиятга эришиб бораётган Бахтиёр совуқни-совуқ, иссиқни-иссиқ демай, маҳсулотларни тинимсиз таширди. Айниқса, қишнинг изгирилли кунларида бир бекат наридан маҳсулотларни оғир ҳолда савдо дўконигача олиб

келарди. Бир куни у турмуш ўртоғига негадир оёғимда куч йўқ, иштаҳам ҳам яхши эмас, деб соғлигидан шикоят қилди. Шунда рафиқаси, ўтиб кетар, балки чарчагандирсиз, деди.

Шу алфозда беш ой ўтди. Бир куни Бахтиёрнинг ёнига энг яқин ўртоғи келди. Икки дўст сўрашиб бўлгач, Бахтиёр уни уйга таклиф этди. Уларнинг суҳбати авжида бўлиб, дастурхондаги нозу неъматлар истеъмол қилиниб, соғлик учун дея кўтариладиган қадаҳлар ҳам меъёридан зиёд ичиб юборилди. Бахтиёр ўртоғини кузатгач, кириб ётди. Кечаси соат 1.30 лар чамаси у безовта бўла бошлади. Ичи ёниб, кўнгли айнаётган Бахтиёр эрталабгача қайт қилиб чиқди. Ўтиб кетар деган мақсадда кечгача уйда ётди. Минг афсуски, унинг аҳволи ёмонлашиб борарди. Рафиқаси тез ёрдам чақирди. Навбатчи шифокор текшириб кўргач, ҳудуддаги оилавий поликлиникага бориб мурожаат қилишини айтди.

Хуллас, ўз шифокорига бориб учраган Бахтиёр вирусли гепатитнинг Б гуруҳи билан оғриганини эшитиб, ниҳоятда хафа бўлди. У соғлигини тиклаш мақсадида ТТА клиникасининг юкумли касалликлар бўли-

мида даволана бошлади. Унинг аҳволи яхшиланиш ўрнига оғирлаша борди. Шифокорларнинг муолажалари гўёки ҳавога учиб кетаётгандек, ҳеч бир ижобий натижа бермас эди. Орадан тўққиз кун ўтгач Бахтиёрнинг танаси саргайиб, шиша бошлади. Касаллик билан олишиб, алаҳсираётган ўглини кўрган онаси батамом ўзини йўқотиб қўйди. У фақат онажон деб инграр, дарднинг зўрлигидан, ичининг ёниб кетаётганлигидан қийналиб, ўзини ҳар томонга ташларди. Ҳар бир гапининг орасида нега ўша ароқни ичдим. Бу жонимга бало бўлди, дея оғир хўрсинарди. Афсуски, энди кеч эди. Шифокорларнинг айтишига қараганда Бахтиёр бундан бир неча ой олдин вирусли гепатитнинг Б гуруҳини оёғида ўтказганлиги ва захри қотилни ичгандан сўнг, унинг таъсири натижасида жигар циррози авж олган.

Эндигина 35 баҳорни кўрган Бахтиёр бир оғунинг касрига қолиб, ҳаётдан бевақт кўз юмди. Балки ўша "қўлбола" ароқ биргина Бахтиёрни эмас, балки қанчадан-қанча инсонларнинг ҳаётига зомин бўлгандир.

Азиз муштарий! Биз эътиборингизга фақат иккита ҳаётий мисолни ҳавола этдик. Агар кўплаб далилий ашёларга мурожаат этадиган бўлсак, бу мавзунини яна давом эттиришимиз мумкин. Шу ўринда айтиш муҳимки, бундай захри қотилдан биргина захарланиш эмас, балки қанчадан-қанча оилаларнинг нотинчлигига ҳамда автохалокатларнинг содир бўлишига сабаб бўлаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Юқоридаги ҳаётий мисоллардан хулоса қиладиган бўлсак, ичкиликбозликка қарши кураш айнан мутасадди раҳбарлар зиммасида эмас, балки бу борада ҳар биримиз масъул бўлиб, биргаликда тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борсакки бундай мудҳиш ҳолатларнинг олдини олишга эришамиз.

Ибодат СОАТОВА.

МУҲИМИ: ИРОДАСИЗЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК

Куни кеча Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Қонунининг матбуотда эълон қилиниши ва бу ҳақда мутахассислар томонидан берилган муносабатлар ҳеч биримизни бефарқ қолдираётгани йўқ. Шундай экан, бугунги мавзумизни бевосита тамаки маҳсулотларининг инсон соғлиги учун зарарли бўлган томонларига бағишлаймиз.

Инсоният тарихидаги кашфиётларнинг "қора рўйхати"-дан жой олган сигарет ҳозирги кунда глобал муаммолардан биридир. Америка давлатининг соғлиқни сақлаш ташкилотларидан бири World Watch Institute (Дунё кузатув институти)нинг ҳисоботида кўра, ер юзида ҳар йили 3 миллиондан ортиқ киши, яъни ҳар 13 сонияда бир киши, ҳар дақиқада беш киши бу офат сабаб ҳаётдан кўз юмади. Сигарет туфайли юз берувчи ўлимлар сони гиёҳванд моддаларга нисбатан 13 баравар кўп. Биргина сигарет тутунида соғлиқ учун зарарли тўрт минг хил модда: миқдори энг кўплари никотин ва унинг алкалоид қолдиғи, таркибида саратон касаллигини келтириб чиқарувчи бензопирин моддаси бўлган қатрон, нитрозалин, арсеник, олтингургурт, қонни жуда тез захарлов-

чи цианид кислота, сассиқ ҳидли формальдегид, карбон моноксид ва карбон диоксид, таркибида радиоактив моддалар бўлган кумушранг кадмийум ва бошқа шу каби кўплаб захарли моддалар мавжудлиги аниқланган.

Шу ўринда сигаретда никотин мавжуд бўлса, бу чекувчига қандай таъсир қилиши мумкин, деган савол туғилиши табиий. Аввало, чекувчи сигаретни ёки истеъмол қилгани сабабли ундаги никотиннинг бир қисми, яъни 15 фоизи танага, бир қисми, яъни 30 фоизи эса тутун билан ҳавога учди. Қолаверса, кашанда икки қути сигаретни кун давомида битта-биттадан чеккани, никотинни томирдан эмас, нафас билан югани учун аста-секин захарланади. Бир донга сигарет чеккан кишининг юрак уриши ва нафас олиши тезлашади, қон айланиши бузилади, натижада аъзоларга борадиган қон миқдори камаяди ва уларнинг фаоли-

ти сустлашади. Юрак ишлаши оғирлашади, қон босими ошади. Бир донга сигарет мана шунча ўзгаришни келтириб чиқарса, кунига бир ёки икки қути сигарет чекувчининг аҳволини тасаввур қилиш қийин эмас.

Сигарет тутунида яна бир захарли модда – углерод моноксид (СО автомобиллардан чиқадиган захарли газ) ҳисобланади. Кашанда ҳар гал чекканида маълум миқдорда бу захарни ҳам ютади. Маълумки, қондаги қизил қон таначалари (эритроцитлар) хужайраларга кислород ташийди. Чекувчининг нафас йўли орқали кирган СО моддаси кизил қон таначаларига ёпишиб олади ва уларни ишдан чиқаради. Қизил қон таначалари кислород таший хусусиятини йўқотади. Шунга ўхшаш омилларнинг бирлашуви натижасида кашанданинг куч-қуввати чекмайдиганга қараганда камайиб бораверади. Узоқ йиллар давомида сигарет чеккан киши вужудида жуда кўп касалликлар пайдо бўлади. Сигарет биринчи навбатда иштаҳани кесади, озиқ моддалар ҳазмини сусайтиради. Сурункали гастрит ва ошқозон ярасига сабаб бўлади. Лаб, тил, қизилўнғач саратони, йўтал, ортиқча балғам йиғили-

ши, сурункали бронхит, сийдик йўллари касаллиги ва амфизема каби хасталикларни юзага келтиради. Касалликларнинг ҳаммаси одатда жуда азоб берадиган йўтал билан кечади, кашанда айниқса эрталаб қаттиқ йўталади. Тамаки тутуни товуш бойламларининг касалланишига олиб келади. Жигар ва хиқилдоқ саратонига чалинганларнинг 90 фоизи кашандалардир. Чекувчилар орасида чекмайдиганларга нисбатан ўпка раки 15-30 марта кўп учрайди. Сигарет яна томирнинг қотиб қолиши (артериосклероз)ни ҳам келтириб чиқаради. Вақти-вақти билан қўл ва оёқдаги томирларда қоннинг тикилиб қолиши натижасида қорасон касаллиги юзага келади. Бу бедаво дард оёқ ёки қўлнинг кесилишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, баъзи ички секреция безлари, хусусан жинсий безларнинг функциясини тўхтатади. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, эркаклардаги 11 фоиз жинсий ожизлик кўп чекадиган одамларда учраган. Сигарет юрак касалликлари, хусусан, миокард инфарктининг ривожланишига сабаб бўлади. Ҳозирги кунда юрак хуружи ва юрак фаолиятининг бузилиши натижасида инсонларнинг ҳаётдан кўз юмиши жаҳондаги энг катта

муаммолардан бўлиб, бу касаллик сигарет чекувчилар ўртасида бошқаларга нисбатан ўн баравар кўп учрайди.

Кашандалар уйқусизликдан қийналади. Терида пайдо бўлган ўзгаришлар эрта қаришга сабаб бўлади. Демак, сигарет чекувчилар ўзларини ўзлари нобуд қиладилар. Энг ачинарлиси, бу офат аёлларимизни ҳам ўз гирдобига тортиб, уларнинг туғилажак фарзандлари ногирон ҳолатда дунёга келмоқда. Чекувчи аёл чақалоқни эмизса, никотин сут орқали ўтиб, соғлом гўдакни ҳам захарлайди. Кашанда соғлигини йўқотиши билан нафақат ўзига, балки атроф-муҳит, ён отрофидаги одамлар ҳамда оиланинг иқтисодий аҳволи, ижтимоий муҳитга катта зарар еткази.

Сигаретнинг нафақат ўз соғлигимизга, балки бизга яқин бўлган бошқа инсонларнинг ҳам соғлиғига жиддий зарар етказиши барчамизга аён. Шундай экан, агар сиз чекаётган бўлсангиз қуйидаги маслаҳатларга амал қилсангиз, юқорида таъкидлаб ўтилган касалликлардан ҳоли бўлиб, сигаретни ташлашингиз осон кечади:

(Давоми 5-бетда).

МУҲИМИ: ИРОДАСИЗЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК

(Давоми. Боши 4-бетда).

- ҳар икки кунда бир донадан камайтириб боринг;
- ўзингизга бирор бир спорт турини одат қилган ҳолда, у билан мунтазам шуғулланинг;
- чекиш хумори тутган пайтда ўзингиз ёқтирган бирор ширинлик энг ёки конфет истеъмол қилинг;
